ХАЛҚАРО ЙЎЛ ХАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида Халқаро йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш маркази ташкил этиш орқали аҳолини хориждан юк ва енгил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқларини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга тайёрлаш ҳисобланади.

Савдо бозорининг мақсади ва баҳосининг хусусиятлари:

- ушбу бизнес йўналишини танлаш, ушбу бозор сегментини бизнинг минтақамизда нисбатан кам рақобатга эга бозор сифатида тавсифлаш мумкинлиги билан боғлиқ;

- барқарор ривожланмоқда ҳамда юқори даромадли ҳисобланади.

ЛОЙИҲА ТУРЛАРИ

Лойиҳани амалга ошириш учун икки хил усулда иш бошлаш таклиф этилади:

1. Бино иншоот сотиб олиш, қуриш;
2. Бино иншоот ижара асосида.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усулдан 1 (бино иншоот сотиб олиш, қуриш) йўналиш бўйича дастлабки ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Халқаро тоифадаги ўқитиш тизими марказини ташкил этиш учун бино иншотлар тадбиркор томонидан қурилади ҳамда жиҳозланади.

Халқаро тоифадаги таълими маркази кейинги ўринларда “марказ” деб юритилади. Бугунги кунда мазкур турдаги ўқитиш тизимига ўхшаган марказлар фаолият юритмоқда.

Уларнинг фарқи шундаки улар Халқро туоифада эмас балки умумий қоидалар бўйича ўқитадилар.

Оддий турдаги ўқитишнинг ўртача нархи бугунги кунда 2 500 000 сўм ва ундан юқори ҳисобланади.

Мазкур ўқитиш маркази нафақат қайсидир катерогия бўйича балки енгил, оғир ва ўрта турдаги траспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун билим беради.

Мазкур марказни ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Таълим даргоҳини қуриш учун мақбул жой танлаш;

2. Ерни сотиб олиш ёки ҳудудий ҳокимликдан узоқ муддатга ижара асосида олиш бўйича келишувларни амалга ошириш;

3. Харажатлар ва даромадлар режасини бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигидан Халқаро тоифада ўқитиш бўйича керакли тавсиялар ва лийензияни олиш;

5. Қурилиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш;

6. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

7. Марказни реклама қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

8. Қабул квоталарини режалаштириш;

9. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

10. Ходимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ходим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш;

Шунингдек, қуйидаги потенциаллар талабга таъсир этувчи омилларни кўзда тутиш бизнесни ривожланишига сабаб бўлади.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- мижозлар(жисмоний ва юридик шахслар) оқими даражаси – яъни мижозларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади;

- марказ ташкил қилинаётган ҳудудга яқин ҳудудларнинг туризм билан боғлиқ хизматининг ривожланганлигини таҳлил қилиш-Республика бўйлаб ташриф буюрувчилар сони ошишига сабаб бўлади;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш.

- ташкил қилинаётган ҳудуддаги аҳоли сони (улардан 18-40 ёшгача бўлганини), тадбиркорлик субъектлари сони, йирик корхона ва ташк

- илотлари сони, давлат ташкилотлари, банк, микромолия ва ломбардлар ҳамда ташкил қилинаётган хизмат тури бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар бўйича ўрганиб чиқиш тавсия этилади (маълумотлар stat.uz, cbu.uz, edu.uz сайтларида мавжуд).

Лойиҳанинг қурилишига 750 млн.сўм ҳамда жиҳозлашга 450 млн.сўм жами 1 200 млн.сўм пул маблағлари зарур бўлади.

Тадбиркорда ўзининг ери мавжуд бўлмаса акс ҳолда тадбиркорликни бошлаш учун аукционда ёки у бу жисмоний ва юридик шахсдан сотиб олиш учун туман ва шаҳарнинг жойлашган жойига қараб (вилоят, туман шаҳар маркази) ҳар бир сотихи 2 минг АҚШ долларидан 50 минг АҚШ долларигача бўлиб, энг камида 6 сотих ер майдони олиш зарур ва бунга камида 12 000 – 300 000 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлар талаб қилинади.

Шу билан бир қаторда, тайёр офис сотиб олиш нархи маълумот учун Тошкент шаҳрида ўртача **300 – 350 минг АҚШ** долларини (жиҳозларсиз) ташкил қилади.

Ушбу марказ жиҳозлари учун қуйидагиларни харид қилиш лозим ва юқорида кўрсатилган **450,0 млн.сўм** маблағ ушбу мақсадлар учун ишлатилади:

1. Компьютер 6 дона-ҳар бирининг нархи ўртача 8 млн.сўм, жами 48 млн.сўм;

2. Принтер 6 та шундан 4 та 3*1 ва 2 та ранглик принтер-ўртача нархи 5 млн.сўм атрофида. Жами кетадиган маблағ миқдори 30 млн.сўм атрофида;

3. Стол стул, шкаф, юмшоқ мебел ва бошқа жиҳозлар учун 102 млн.сўм;

4. Кондиционер 6 дона 12 талик ҳар бирининг ўртача нархи 6 млн сўмдан 2 та 24 талик 14 млн.сўмдан 28 млн сўм Жами 64 млн.сўм;

5. Йиллик канцелария маҳсулотлари, интернет, маиший буюмлар, гул, камера ва бошқа маҳсулотлар учун 70 млн.сўм пул маблағлари талаб этилади;

6. Мошиналарнинг эҳтиёт қисмларга бўлинганлиги, йўл ҳаракат белгилари ва махсус хоналар учун 136 млн.сўм;

Бино иншоот ижара асосида, Таълим марказини ташкил этиш учун жой тадбиркор томонидан ижарага олинади ҳамда жиҳозланади. Ушбу йўналиш дастлабгисига қараганда анча кам маблағ талаб этади ҳамда жойлашувни ўзгартириш учун имконият яратади

Марказни ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Таълим даргоҳини реконструкция қилиш учун мақбул жой танлаш;

2. Ерни ҳудудий ҳокимликдан узоқ муддатга ижара асосида олиш бўйича келишувларни амалга ошириш;

3. Харажатлар ва даромадлар режасини бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигидан халқро ўқитиш бўйича керакли тавсиялар ва лийензияни олиш;

5. Реконструкция билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш;

6. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

7. Марказни реклама қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

8. Қабул квоталарини режалаштириш;

9. Ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

10. Ходимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ходим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш;

Шунингдек, қуйидаги Потенциал талабга таъсир этувчи омилларни кўзда тутиш бизнесни ривожланишига сабаб бўлади.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.

- мижозлар(жисмоний ва юридик шахслар) оқими даражаси – яъни мижозларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўгри мутаносиб равишда таъсир килади.

- ҳудудда туризм соҳасининг ривожланганлиги, ҳудудга бошқа яқин ҳудудларда туризм соҳасининг ривожланганлиги тўғрисида таҳлилий маълумотларни шакллантириш.

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш.

- ташкил қилинаётган ҳудуддаги аҳоли сони (улардан 18-40 ёшгача бўлганини), тадбиркорлик субъектлари сони, йирик корхона ва ташкилотлари сони, давлат ташкилотлари, банк, микромолия ва ломбардлар ҳамда ташкил қилинаётган хизмат тури бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар ҳамда туристик обидалар ва масканлар бўйича ўрганиб чиқиш тавсия этилади (маълумотлар stat.uz, cbu.uz, edu.uz, траспорт вазирлиги сайтларида мавжуд).

Таълим марказини ташкил этиш учун бино энг камида 2 қаватдан ва унинг майдони 320 м^2 майдон зарур бўлади. Бунда 6 та иш хонасидан, 1 та регистрация ҳамда мижозлар кутиш хонасидан, 1 та кичик алоҳида суҳбатлашадиган хонадан иборат бўлади. Ушбу марказда талабга қараб ўқитувчилар ишга олинади. Ўртача 6 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳа ижара асосида амалга оширилаётганлиги сабабли унинг қурилиши учун маблағ зарур эмас, фақатгина ижарага олинаётган жойнинг реконструкцияси учун 150 млн.сўм ҳамда жиҳозлашига 350 млн.сўм ва пул маблағлари сарф этилиши режалаштирилган.

Ушбу марказ жиҳозлари учун қуйидагиларни харид қилиш лозим ва юқорида кўрсатилган 350 млн.сўм маблағ ушбу мақсадлар учун ишлатилади:

1. Компьютер 6 дона-ҳар бирининг нархи ўртача 8 млн.сўм-жами 48 млн.сўм

2. Принтер 6 та шундан 4 та 3*1 ва 2 та ранглик принтер-ўртача нархи 5 млн.сўм атрофида. Жами кетадиган маблағ миқдори 30 млн.сўм атрофида.

3. Стол стул, шкаф, юмшоқ мебел ва бошқа жиҳозлар учун 68 млн.сўм

4. Кондиционер 6 дона 12 талик ҳар бирининг ўртача нархи 6 млн сўмдан 2 та 24 талик 14 млн сўмдан 28 млн сўм Жами 64 млн.сўм.

5. Йиллик канцелария маҳсулотлари, интернет, маиший буюмлар, гул, камера ва бошқа маҳсулотлар учун 40 млн.сўм пул маблағлари талаб этилади.

Мошиналарнинг эҳтиёт қисмларга бўлинганлиги, йўл ҳаракат белгилари ва махсус хоналар учун 100 млн сўм.

Ижара учун ҳар ойлик 20 млн сўм бир йилда 240 млн сўм.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 6 кишини ташкил қилади. Ишчиларининг иш вақти режимлик тартибда ташкил этилади. Таълим ҳам онлайн ҳам офлайн тарзда дарслар ташкил этилади.

МАРКАЗНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Марказни рўйхатдан ўтказиш учун сиз ҳуқуқий шаклни, тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Марказни афзаллик томонлари Халқаро тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси имтиҳонига тайёрланиш ва билимлар орқали олиш имкониятини беради.

Таълим тизим талабга қараб ташкил қилинаверади. Хусусан, ҳам онлайн ҳам офлайн.

Ушбу марказда хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

сўм

№	Таълим йўналиши офлайн	Бир курс (тоифага қараб)	Ўқувчилар сони (икки ой ўқиш)	Жами йиллик ўқувчи сони (бир йилда 6 та курс	Жами даромад

				чунки ҳар бир курс 2 ойдан)	**йиллик**
1	**Мототцикл ҳайдаш**	**Бонус**			
2	Енгил турдаги траспорт воситасини бошқариш (В)	2 100 000	20	120	252 000 000
3	8 ва ундан ортиқ инсонларни ташувчи транспорт (Д)	3 000 000	20	120	360 000 000
4	Юк ташувчи (тиркамасиз) – (С)	2 500 000	20	120	300 000 000
5	Тиркамали юк ташувчи	2 500 000	20	120	300 000 000
Жами			**80**	**480**	**1 212 000 000**

сўм

№	**Таълим йўналиши офлайн**	**Бир курс (тоифага қараб)**	**Ўқувчилар сони (икки ой ўқиш)**	**Жами йиллик ўқувчи сони (бир йилда 6 та курс чунки ҳар бир курс 2 ойдан)**	**Жами даромад йиллик**
1	**Мототцикл ҳайдаш**	**Бонус**			
2	Енгил турдаги траспорт воситасини бошқариш (В)	1 100 000	10	60	66 000 000
3	8 ва ундан ортиқ инсонларни ташувчи транспорт (Д)	1 500 000	10	60	90 000 000
4	Юк ташувчи (тиркамасиз) –(С)	1 250 000	10	60	75 000 000
5	Тиркамали юк ташувчи	1 500 000	10	60	90 000 000
Жами			40	240	321 000 000

Жами йиллик тушум:

1 212 000 000+ 321 000 000=1 533 000 000

МАРКАЗ ХАРАЖАТЛАРИ

Штат жадвали

№	Лавозими	Сони	Битта штат ойлик маоши (оклад+KPI)	Жами 1-йил ойлик маош
1	Бухгалтерия, маркетинг, бўйича ходим	1	4 000 000+KPI	48 000 000+KPI
2	Ўқитувчи	4	4 500 000+KPI	216 000 000+KPI
3	Ресепш	1	2 500 000+KPI	30 000 000+KPI
4	Бошқа ходим	2	3 000 000+ KPI	72 000 000+ KPI
	ЖАМИ	**19**		**366 000 000**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ I ШАКЛ УЧУН

сўм

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
Номи	**Ўз маблағи**	**Кредит маблағи**	**Жами**
Марказни ташкил этиш	850 000 000	350 000 000	1 200 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**70,8%**	**29,2%**	**100%**
Молиялаштириш объектлари			
Бино қурилиши учун	750 000 000		1 200 000 000
Жиҳозлаш	450 000 000		

СОФ ТУШУМ ВА СОФ ФОЙДА

сўм

Номланиши	1- йил	2- йил	3-йил	4-йил	5-йил
Хизматлардан тушган тушумлар	1533 000 000	1 533 000 000	1 533 000 000	1 533 000 000	1 533 000 000

Коммуникация харажатлари (вайфай, электр, сув,канцелария ва бошқа)	30 000 000	30 000 000	30 000 000	30 000 000	30 000 000
Маош харажатлари	366 000 000	366 000 000	366 000 000	366 000 000	366 000 000
Реклама харажатлари	30 000 000	30 000 000	30 000 000	30 000 000	30 000 000
Кредит тўловлари	49 000 000	132 500 000	124 250 000	112 000 000	99 750 000
Солиққа қадар тушган даромад	1 058 000 000	974 500 000	982 750 000	995 000 000	1 007 250 000
Фойда солиғи 12%	126 960 000	116 940 000	117 930 000	119 400 000	120 870 000
Сой фойда	**931 040 000**	**857 560 000**	**864 570 000**	**875 600 000**	**886 380 000**